

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ



ДИНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



IX



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИНШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

IX

Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2017

УЎК: 2-12

КБК 86.2

Д 53

Диншуносликнинг долзарб муаммолари. К. IX / Тузувчилар: Д.Раҳимжонов, С.Саиджалолов, Р.Исоқжонов; масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, З.Исломов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. – 266 б.

КБК 86.2

Масъул муҳаррирлар:

Р.Абдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

И.Усмонов, Д.Раҳимжонов, Д.Махсудов, Г.Тулеметова, Д.Муратов, Х.Юлдашходжаев, Н.Насруллаев, М.Алимова, Б.Фарфиев, С.Оқилов, Б.Валиев, Н.Муҳаммедов, С.Саиджалолов, Р.Исоқжонов, Ж.Нажмиддинов, Ж.Каримов.

Тузувчилар:

Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

С.Саиджалолов – катта ўқитувчи

Р.Исоқжонов – катта ўқитувчи

Тақризчилар:

К.Комилов – фалсафа фанлари номзоди

О.Юсупов – фалсафа фанлари номзоди, доцент

У.Ғафуров – катта ўқитувчи

Ушбу илмий тўплам Тошкент ислом университетида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида диншунослик фанлари бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, диншунослик соҳаси бўйича кўзга кўринган олимлар, исломшунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчилар, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Мазкур нашр материалларида диний бағрикенглик, миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, аجدодлар илмий-маънавий меросининг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ўз ифодасини топган. Тўплам диншунослик соҳасида изланиш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламга киритилган материалларда келтирилган рақам, факт ва маълумотлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Тошкент ислом университети Кенгашининг 2017 йил 30 мартдаги 8-сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2160-сонли ҳулосасига асосан тайёрланди.

ISBN 978-9943-4828-0-7

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017

С.Кувватов,

Самарқанд давлат университети, ассистент

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТУРМУШ ЭСТЕТИКАСИ ВА УНДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири бўлган “дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзидаёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқий меъёрларни ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирилган” [1,441], шунингдек инсонларнинг ўзаро баҳамжиҳат бўлиб яшашига ёрдам берган. Шарқ фалсафасида азалдан инсон, унинг маънавияти ва комиллиги, хулқи, ахлоқи, соғлом турмуш тарзи каби масалалар ўрганилиб келиши баробарида, ислом дини, хусусан, унинг манбалари Қуръони карим ва ҳадисларда яққол кўзга ташланади. Инсоннинг юксак ахлоқли бўлиши, эзгуликка ва турмуш гўзаллигига интилиши, илмли, маърифатли бўлиши, руҳ ва тана поклиги уни комилликка эриштирувчи асосий омиллар эканлигини кўплаб диний-фалсафий қарашларда ҳам таъкидлаб келинган. Хусусан, инсон гўзаллиги ва унинг гўзалликка интилиши масаласи ҳам атрофлича мунозараларга сабаб бўлган.

Тарбиянинг бошқа кўриниш ва шакллари билан бир қаторда, оилада, фарзанд камолотида эстетик тарбия ҳам муҳим рол ўйнайди. Эстетик тарбия маҳалла, хусусан, оила турмуш тарзининг алоҳида мотивига айланиши керак. Фарзанд дунёга келгандан то вояга етгунга қадар, унинг эҳтиёжларини қондириш ва тарбиясида ота-она бирдек масъул бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ёш болани гўзалликка чорлаш, аввало, унга чиройли исм қўйишдан бошланади дейиш мумкин. Чунки вояга етаётган ўсмир унга қўйилган исмидан мағрурланиб, қониқиб, ўз исмига мос инсон бўлишга ҳаракат қилади. Мўмин киши ўзи ва фарзандларининг исмини чиройли қилишга, шунингдек Қиёмат кунида нажот топишига, унинг жаннатга киришига сабаб бўладиган амалларни қилишга қаттиқ эътибор бериши керак.

“Бас (шундай экан), исmlарингизни чиройли қилинглaр!” [2]

Яъни, ўзларингиз, фарзандларингиз, яқин кишиларингиз ва қўл остингиздагиларнинг исmlарини чиройли қилинглaр. “Чиройли қилинглaр” деганда исмнинг ҳам тузилиши, ҳам маъносини гўзал ва чиройли қилиш назарда тутилади.

Турмуш нафосатида ширинсўзлик алоҳида ажралиб туради. Оилада ёки жамиятда содир бўладиган катта-кичик жанжаллар кўпинча кўпол сўз ва муомаладан келиб чиқади. Яхши, мулоим гапни ишлатиш инсоннинг обрўсини

ортиради, унинг хулқига хусн қўшади. Шу боисдан ҳам Аллоҳ ширинсўз бўлишга чақиради: “Менинг бандаларимга айт, яхши сўзларни сўзласинлар. Албатта, шайтон уларнинг орасига душманлик солиб туради” [3,111]. Шунингдек, турмуш эстетикасини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Соғлом турмуш тарзи шундай яшаш тарзики, унда одамлар саломатлигига таъсир кўрсатувчи зарарли омиллар бўлмаслиги, инсон улардан онгли равишда ўзини четга олиши керак. Турмуш гўзаллигига, соғлом турмушга рахна соладиган иллатлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан энг кўп учрайдиган кўриниши ичкиликбозликдир. Кўпгина қабиҳликлар ва жиноятлар ҳам ичкиликбозлик натижасида содир бўлаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аллоҳ ароқнинг ҳаромлигини баён қилади: “Эй имон келтирганлар, албатта, ароқ, қимор, бутпарастлик ва фолбинлик ифлос нарсалар бўлиб, шайтоннинг ишидир. Бу нарсалардан четланинг, тоинки нажотга эришсаларингиз. Шайтон ароқ ва қимор орқали сизларнинг орангизга адоват ва нафрат солмоқчи бўлади ва яна сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсмоқчи бўлади. Сиз бу нарсалардан қайтасизми ўзи!” [4,94]. Бу йўлдан қайтмаганлар эса разолат ва қабиҳлик, иродасизлик, бевурдлик домига тушадилар. Бу эса гўзалликнинг акси бўлган хунукликдир.

Турмуш эстетикасини шакллантиришда гўзаллик, нафосат тушунчаларининг ўрни бекиёсдир. Ислом эстетик тафаккур тарихида сўз ва унинг моҳиятига юксак эътибор қаратилган: сўз шахсни гуноҳлардан фориғ қилиб, уни яхшилик ва гўзалликка интилишга чорлайди. Бунинг моҳияти Қуръони каримнинг “Сажда” сурасида Аллоҳнинг сифати билан уйғун ҳолда эътироф этилса, “Шуаро” сурасида «Ким бирон чиройли амал қилса, Биз унинг учун ўша (чиройли амали)да яна хуснни зиёда қилурмиз (яъни зиёда савоб ато этурмиз)» [5,299]. Ҳадиси шарифда эса бу масала «Тангри гўзалдир ва у гўзалликни яхши кўради» [6,40], дейилади. Ислом динида инсон қўли билан яратилган меъморий обидалар, сағана ва масжидлар, қадамжолар ҳам чиройли таъкидланади. Ислом меъморий обидаларидаги дарвоза, эшик ва деразаларни ўймакорлик, биноларни наққошлик санъати билан безаш, деворларга исломий ва гирих услубида ганчлардан турли шакллар ясаш, устунларни араб ёзуви асосида нақшлар билан безатиш бугунги кунда кенг тус олганлиги юксак эстетик дидни ва нафосатни кўрсатиб беради.

Диний қадриятларимизнинг турмуш нафосатини шакллантиришдаги энг муҳим жиҳатларидан бирини диний байрамларимиз ташкил этади. Мазкур байрамлардан бири Қурбон ҳайитидир. Қурбон ҳайити кунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар. Қурбонлик учун сўйилган гўштлардан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, чунончи, кам таъминланган оилаларга, бева-бечораларга таркатадилар. Шунингдек, ислом таълимотидаги “рўза тутиш” арконини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Рамазон ойида мусулмонлар Аллоҳдан ўз гуноҳларини кечишни сўраб, рўза тутиб, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда, инсон учун нохуш бўлган жаҳл, ғазаб, дилозорлик, қўполликлардан холи бўлиб, хушмуомалалик,

Динишуносдакнинг додзарб муаммоларга

камтаринлик каби фазилатларни ўзларига сингдириб борадилар. Бу эса ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришга ёрдам беради.

Фикримиз хотимасида шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётни амалга ошириш жараёни жадал суръатларда амалга оширилаётган ҳозирги даврда одамлар ўртасида амал қилинадиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш орқали баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диний қадриятларимиз эстетик маданиятни, хусусан, турмуш эстетикасини шакллантиришда ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиши юқорида айтилган фикрлардан ҳам маълумдир. Зеро, миллий ва диний қадриятларимизнинг ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш ва эстетик маданиятни ривожлантириш комил инсонни шакллантиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

О.Азизова,

ЎзРФА Санъатшунослик институти,
кичик илмий ходим

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбек халқининг миллий театр, кино, рақс ва тасвирий санъат намуналари асрлар давомида шаклланди ва ривож топди. Ўзбек халқи чинакам бой маданий меросга эга. Бизгача етиб келган театр, кино, рақс ва мусиқа намуналарининг тур ва жанрлари ранг-баранглилиги ҳайратланарли даражада салмоқга эга. Ўзбек миллий мусиқа санъати дурдоналари бебаҳо мерос ҳисобланиб, бугунги кунда ҳам эътирофга сазовор бўлиб келмоқда. Санъат намуналарининг бадиий-эстетик аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Олимларнинг халқ оғзаки ижоди, тарих соҳаларида олиб борган илмий изланишлари миллий театр, рақс ва мусиқа санъатининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалишини исботлади. Асрлар давомида такомиллашиб борган миллий маданият, қадриятларимиз бетакрор. Уларни асрлар оша безавол етиб келишида театршунос ва санъатшуносларимизнинг хизматлари улкан.

Бугун оммавий маданият кун сайин кучлироқ хуруж қилаётган бир даврда ахборий хужумлардан асл санъат ва қадриятлар орқали ҳимояланиш энг мақбул йўл. Мавжуд миллий меросни илмий томондан ўрганиш, уни халқ орасида тарғиб қилиш, дунё халқлари тан олган санъатимиз эришган ютуқларни, унинг ўзига хослигини, миллийлигини сақлаган ҳолда ёш авлодга бутунлигича етказиш лозим. ОАВ лари орқали тарғиб қилинаётган шоу-бизнес намуналарини асл санъат билан янглиштириб қўяётган томошабин “яллачилар” нағмасига алданиб қолаётгани фожаавий ҳолдир.

Санъатнинг юзага келиши инсоният тараққиётида буюк босқич бўлди. Ибтидоий жамоа ичида ижтимоий алоқаларни юзага келишига, маънавий

K.Egamyorova. Xorazm faxri.....	111
B.Botirov. Globallashuv jarayonlarida Islom Hamkorlik Tashkilotining faoliyati	113
Б.Бахромжон ўғли. Аҳли суффалар ким бўлганлар?	115
III. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ	
КАДРИЯТЛАР УЙЁУНЛИГИ АҲАМИЯТИ	
Викентий. Религия и религиозная толерантность.....	118
Е. Мацулевич. Вопросы толерантности.....	120
Д.Жуманиёзова. Баркамол авлодни шаклантиришда инсонийлик ва диний қадриятлардан фойдаланишни юксалтириш масалалари	122
N.Rustamova. Al-Andalus as a remarkable example and outstanding model of tolerance.....	124
Б.Гиёсов. Ислам как феномен духовной культуры.....	126
Ф.Хуснутдинов. К вопросу об определении понятия «Исламская агиография».....	127
III.Мухитдинов, Н.Ҳалимбетова. Ёшларнинг дунёвий қарашларида диний мерос ва замонавий цивилизациянинг аҳамияти.....	129
III.Садуллаева. Глобаллашув жараёнида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини оширишда қадриятларимизнинг роли	131
С.Хашимова, III.Хашимов. Маданий тараққиёт ва толерантлик жараёнлари	133
G.Rustamova. Barkamol shaxs tarbiyasida oilaviy qadriyalarining ahamiyati ..	136
Sh.Yusupov, B.Sindorov. Barkamollikning diniy-dunyoviy qadriyatlarga muvofiqligi	138
С.Жўраева. Абу Исо Термизий зиёратгоҳининг аҳоли диний-маънавий ҳаётида тутган ўрни.....	139
М.Мажитов. Ёшлар маънавий тарбиясида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги масаласи	142
Ф.Рашидов. Бағрикенглик ва виждон эркинлиги	145
С.Қувватов. Баркамол авлодни тарбиялашда турмуш эстетикаси ва унда ислом қадриятларининг ўрни	147
О.Азизова. Баркамол авлод тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни	149
Ф.Мадримова. Диний бағрикенглик ва ёш авлод тарбияси.....	152
Р.Солиев, Р.Мамасолиев. Диний омил ва ижтимоий-мафкуравий жараёнлар..	154
III.Юлдашева. Морально-нравственные качества мусульманина в хадисах...	156
III.Хотамов. Оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти	159
З.Зинатуллаев. Баркамол шахс тарбиясида таълимнинг аҳамияти ва илим олиш одоби	161
IV. ЁШЛАРДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ, МИССИОНЕРЛИК	
ВА ПРОЗЕЛИТИЗМГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ	
ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ	
Б.Ахмедова, Н. Туйчиева. Социально-психологическая природа религиозного фанатизма	163
III.Акмалов. Афғонистон Ислом Республикасидаги диний вазиятнинг	